




Асримизнинг энг нуфузли ва йирик сармояли мукофоти ҳисобланмиш Нобел мукофоти салкам юз йил мобайнида васият килинганидек, «илму фан ва тинчлик учун» хизмат килиб келмокда. Нобел мукофоти совриндорлари ва улар яратган ихтиролар, ялмий ва бадий, бетакрор асарлар тўғрисида кўплаб гапирилади, лекин бу қандай мукофот, кимларга ва қандай хизматлари учун берилади, гапнинг очиги, бу ҳақда тўлақонли маълумотга эга эмасмиз. Нобеллар кимлар, қолаверса, Нобеллар авлодининг бобокалонлари Туркистонга қадам ранжида қилгани ва уларнинг тақдири Русия ва Туркистоннинг иқтисодий тақдири билан боғланганлиги кўпчиликка қоронғу бўлса ажаб эмас.

Таништирувни бошлашдан аввал Нобеллар авлоди тўғрисида қисқача маълумот бериб, сўнгра асосий мавзуга қайтсак.

Нобеллар авлодининг сулолабоши Эммануэл Нобел 1801 йили, Шветсияда таваллуд топади. У замонасининг етук физик олими бўлиш билан бирга йирик саноатчи ва тадбиркор ихтирочи муҳандис ҳам бўлган. XIX асрнинг ўрталаридан эътиборан Россия империясининг йирик шаҳарларида, жумладан, Санкт Петербург ва Москва шаҳарларида эски феодал ишлаб чиқариш асоси емирилиб, содда қурилмали мануфактуралар ўрнини капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг дебочаси бўлмиш саноат эгаллай бошлади. Ўз навбатида саноат ихтирочи олимларга ташна бўлади. Россия чуқур сотсиал-иқтисодий ўзгариш даврини бошидан кечираётганди. 1842 йили Эммануэл Нобел Санкт Петербургга келади, пойтахтда 1859 йилгача яшаб қолади ва тинимсиз ижод қилади. Бу даврда Россия Туркия билан Крим ярим ороли учун жанг олиб борарди. Ҳарбий ҳаракатларнинг асосий қисми дёнғизда кечарди. Бу уруш флотлар уруши бўлиб, Пётр I асос солган дёнғиз флотини яна бир бор синовдан ўтказмокда эди. Эммануэл ўрис флотига дёнғиз жанги учун аскотадиган сувости миналарини яратди. Бу ихтиро урушда бурилиш ясашишига асос бўлди. Ихтиро учун йирик миқдорда мукофот ҳам олди. Эммануэл ватанига қайтгач, 1872 йили жон таслим қилди.

Нобеллар авлодининг иккинчи вакили — Эммануэлнинг тўнгич фарзанди Алфред Бернхард Нобел 1833 йили Шветсия жанубидаги Нобелев кўргончасида дунёга келади. Нобел фамилияси ҳам киндиги қесилган жойнинг номидан олинган. Етти пуштини суриштирсак, шведларнинг Рюдбек деган уругига бориб такалади. Алфред ҳам 1842

йили отаси билан Русиёга кўчиб келган. У отаси сингари физикага эмас, кўпроқ кимё фанига меҳр кўяди ва ихтирочи олим, тадбиркор саноатчи бўлиб етишади. Турли хил сунъий материаллар яратади, отаси билан ҳамкорликда динамит ишлаб чиқарадиган завод ҳам куради. Алфреднинг хисобида 355 та ихтиро патенти ҳам бор эди. Янгидан-янги ихтиролари ва корхоналари орқасидан миллионларга эга бўлди. Хаётининг охиригача турли жабхаларда тинмай меҳнат қилди. Жахоннинг 20 мамлакатига 94 йирик ширкатлари ва корхонаси ишлаб турарди. Хаёт мазмунини фақат изланишда деб билган Алфред дунёдан тоқ ўтди. Айрим манбаларда қайд этилишича, бир математик дўсти у севган кизга уйланиб олади, шу сабаб бўлса керак, Эммануэл оғзаки тарзда: «Менинг мукофотим математикларга берилмасин», деб васият қилган экан. Хақиқатан ҳам математика соҳасидаги ютуқлар учун мукофот таъсис этилмаган. Барча ишбилармонлар каби бир жойда муқим яшамасди, иш юзасидан дунё кезиб юришга мажбур эди. «Мен қаерда ишласам, ўша ер менинг уйим, чунки мен ҳамма жойда ишлайман», деб такрорлашни ёқтирарди у. Алфред 1896 йилнинг 12 декабрида Италиянинг Сан-Ремо деган жойида абадий уйкуга кетди. Дафн маросими тугагач, унинг жами сармояси 33 миллион швед крони ёки 9,2 миллион АҚШ доллари билан баҳоланди. Толмас ихтирочининг васиятига мувофиқ сармоянинг айланишидан тушган йиллик даромад беш қисмга бўлиниб, унинг бир қисмидан физика, кимё, тиббиёт ёки физиология, адабиёт ҳамда халқлар дўстлиги ва тинчликни мустахкамлаш йўлида кўрсатилган алоҳида хизматлар учун 1901 йили халқаро Нобел мукофоти таъсис этилди.

Шветсиё Фанлар академияси физика, кимё ва адабиёт соҳасидаги етуқ асарларга, Стокгольмдаги Кириллик тиббий-жарроҳлик институти эса тиббиёт ёки физиологиядаги улкан ютуқлар учун, Ослода Норвегия парламентининг Нобел мукофоти кўмитаси тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстликни мустахкамлаш ташаббускорларига Алфред Бернхард Нобелнинг сурати туширилган олтин тамга ва унвон шаходатномасини хар йили Алфред вафот этган 10 декабр куни тантанали равишда топширади.

Шветсиё давлат банки ўзининг 300 йиллик юбилейи муносабати билан 1968 йили иқтисод илми соҳасидаги ютуқлар учун кўшимча Алфред Нобел хотираси ёки олтинчи Нобел мукофотини таъсис этди. Бугунга келиб Нобел фондининг умумий қиймати 320 миллион Америк долларини ташкил этади.

Физиклардан биринчи бўлиб В. К. Рентген (1901 йил), Г. А. Лорентс (1902 йил), эр-хотин П. М. Кюрилар (1903 йил) ва 1921 йили Алберт Эйнштейн бу мукофотга сазовор бўлган бўлса, ўрис олимларидан биринчи бўлиб 1904 йили И. П. Павлов тақдирланган. Ушбу рағбатдан давлат раҳбарлари ҳам бенаиб қолишмаган: АҚШ президенти Т. Рузвелт, Англия бош вазири У. Черчил, генерал Ж. Маршалл ва М. С. Горбачёв шулар жумласидандир.

Шуниси ажабланарлики, Нобел мукофотига сазовор бўлган Шўро олимлари ва ёзувчиларининг тақдири жуда оғир кечган. Сўз санъаткорлари Иван Бунин, Борис Пастернак, Иосиф Бродский ва Александр Солженицинлар хорижга кетишга мажбур бўлдилар. Буюқ инсонпарвар олим ва жамоат арбоби Андрей Сахаровнинг ҳам тақдири уларникидан енгил кечмади. Факатгина М., Шолохов «қалбини фиркага бериб», ўз ватанида яшади ва ўлмас асарлар яратди.

Мазкур мукофот 90 йил давомида 600 га яқин иқтидорли кишиларга берилган.

Ажабмаски, яқин йиллар ичида ўзбек миллати вакилларига ҳам насиб этиб қолса.

Бу авлоднинг яна бир таникли вакили — Эммануэлнинг кичик ўғли Людвиг Нобелдир. У

хам отасидек йирик саноатчи ва олим бўлиб етишди. Санкт Петербургга келганидан сўнг «Людвиг Нобель» (хозирги «Русский двигатель») корхонасига асос солди ва уни киска вақт ичида йирик машинасозлик корхонасига айлантирди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб империянинг марказий ҳудудида завўд ва фабрикаларнинг сони «ёмгирдан сўнг бодраган кўзикориндек» кўпаяверди, оқибатда ёкилгига бўлга» эҳтиёж ҳам кучайиб борди. Ишбилармон саноатчи, олим Людвиг 1871 йили ака-укалари Алфред ва Роберт билан биргаликда Бокуда нефт саноати корпоратсиясини тиклай бошлади. Бу йирик нефт синдикати 1879 йилдан бошлаб «Ака-ука Нобеллар ҳамкорлиги» деган расмий ном олди. Бу фирмани кейинчалик кенжа Эммануэл Нобел (1859-1932 йй.) бошкарди. Хазар ва Орол бўйидагй, Фаргона водийси нефт конларининг тақдири бевосита Людвиг номи билан боғланади.

Келинг, энди биргаликда ака-ука Нобелларнинг Туркистондаги фаолиятига батафсилроқ тўхталайлик. XIX асрнинг учинчи чорагида Русиё империяси ўзининг чангалини Туркистон ерларига ҳам чўзди. Саховатли ўлка забот этилмасиданок у империя газнасига қандай хом ашё ва маъданлар бера олишлиги ҳисоблаб чиқилганди. Империянинг ҳарбийлари, йўргакдан чиқиб ўзига хом ашё кидираётган юхо ва шафқатсиз буржўйлари, ерга тўймас заминдорлари XVI асрдаги испан, португал мустамлакалари олтин талвасасида Лотин Амрикози устига ёпирилгандек қадим Туркистон устига қуюндек ёпирилиб кела бошладилар.

Ҳарбий ва иқтисодий истилодан мақсад ягона бўлиб, у ҳам бўлса, ўлкани шафқатсиз талаш, бойлик орттириш эди. Айни чоқда талон-тарож туфайли ўлкада янги типдаги саноат кор-хоналари, виночилик, ипакка дастлабки ишлов берадиган фабрикалар, пахта тозалаш завўдлари қад ростлай бошлади. Табиийки, бирорта саноат корхонаси ёкилгисиз ишлай олмасди. Саноат корхоналарининг миқдори ўсгани сайин ёкилгига бўл-ган талаб ҳам ортаверди. Айни эҳтиёж Туркистонда нефт ва тошкўмирни мумкин қадар кўпроқ казиб олишни иқтисодий ва ҳаётий зарурият қилиб қўйди. Чунки мустамлакачилар Туркистон шароитини ҳисобга олмасдан киска вақтда бог-роғларни ўтин қилиб, завўд ўтхонаси мўрисида чикариб улгуришганди. Қам миқдорда; казиб олинган ёкилги эса иштаҳаси қарнай Русиё буржуйлари нафсини қондира олмасди. Нефт казилиш ишларининг тея ривожланиши учун турли тўсиклар мавжуд эди. «Тог ишлари тўғрисида»ги қонун ҳаракатда бўлса-да у давр талабига жавоб бера олмасди. Туркистон генерал-губернатори А. Самсонов «Туркистонда ер қиммати бўлса, ер ости бойликлари ҳам ўша ер эгасига мансублиги қонунчилигимизнинг асосий принтсипидир деб алоҳида таъкидлаган эди., Шунини алоҳида қайд этмок лозимки, Туркистонда бу тармокнинг яхши ривожланмаганлигининг қатор сабаблари бор эди. Бинобарин, завўд ва фабрикалар илк марта пайдо бўлаётганлиги миллий буржуазия ихтиёрида йириш сармоянинг йўқлиги, ўлкага эндиgina қадам қўйган буржуйлар ҳам нефт казиб чикариш учун кўп миқдор пул ҳаражат қилаолмаслиги қабилар сарф қилинган маблағ киска вақтда ўзини оқлай олмасди. Ўрис буржалари эса ускунавий ва амалий жихатдан қатта ишларни амалга оширишга тажрибасизлик қиларди. Чет эл қорхалонларига юқорида таъкидлаганимиздек, тог ишлари тўғрисидаги мавжуд қонун йўл бермасди. Ажнабий давлат фуқароси учун Туркистон ерида маъдан казиш ва табиий бойликларини талон-таров қилиш қонун йўли билан таъқиқланган эди.

Иқтисодий жихатдан биқик қолда қакланишдан ўрис буржуйлари ҳам, империянинг Туркистондаги маъмурлари ҳам манфаатдор эмас эди. Эндигина оёққа турган

буржуазия синфи ҳукуматни ён беришга мажбур этди. 1906 йилнинг 4 апрелида ҳукумат Туркистон ҳудудида чет эл капитали ва унинг ускунавий кудратини нефт казиб чикаришга жалб этиш ўдканинг иктисодий ҳаётида янги давр очишини тан олди ва уларнинг кириб келишига изн берди. Лекин бу даврга Кадар ҳам у ёки бу йўллар билан ўлка ҳудудига чет эл капитали сукулиб кирган эди.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида Русия банкларининг бўлимлари Туркистон диёрида ҳам пайдо бўла бошлади. 1893—1915 йиллар оралигида Давлат банклари учтадан ўнтага кўпайган бўлса, хусусий банклар сони учтадан кирктага етди. Бу банклар ўзининг дастлабки фаолиятини товар ва қарз бериш оператсиялари билан бошлаган бўлса, кейинчалик саноатнинг турли тармоқларига катта-катта маблағлар ҳам сарф қилдилар. Оқибатда нефт казиб чикариш соҳасида ҳам иктисодий сакраш рўй берди. Айни вақтда банк, молиявий иктисодий оператсияларни юритишда катта тажриба тўплаган фаранги, инглиз, олмон, ҳолланд ва швед саноатчиларининг капитали ҳам Туркистонга, кириб келди,

Туркистонда биринчи марта 1876 йили «Ака-ука Нобеллар» номи билан аталадиган Русия монополистик бирлашмаси Хазарорти вилоятининг Челекан оролида нефт казиб чикаришни йўлга қўйди. Хали Туркистон умумрусия савдо тасарруфига тортилганича йўқ эди. Саноат қорхоналарининг озлиги туфайли ишлаб чикариладиган нефт маҳсулотларига талаб деярли сезилмасди. Фақат ўтган асрнинг охирига келиб Русиянинг пахтага бўлган эҳтиёжи ошган сайин нефт ва ёқилгига ҳам талаб ошаверди. Ўлкада 1901 йили 9195 пуд (1 пуд — 16,3 кг.) нефт казиб олинган бўлса, 1911 йилда 2,5 миллион пудга яқин нефт казиб олинди. Туркистонда нефт казиб олишнинг асосий ўчоғи Челекан ороли ва Фарғона вилоятида жойлашганди, Асримиз бошида «Ака-ука Нобеллар», «Санто», «Чимён», «В. Алек-сеев», «А. М. Вербов» К и К °», «Нефт» деб аталадиган бир неча йирик ширкатлар Туркистон, нефтини талон-тарож қилишда бир-бири билан баҳслашарди.

Биринчи бўлиб Челекан нефтини «Ака-ука Нобеллар» очди ва Ўктябр инқилобигача жуда катта миқдорда нефт казиб олдилар. Улар нефт қони ёнига кемалар учун қўнимгоҳ ва нефт қувурини ўрнатдилар. Келинг, яхшиси, «Ака-ука Нобеллар»нинг Челекандан ташиб кетган нефтини биргаликда ҳисоблаб чиқайлик:

1908 йили — 0,9 млн пуд

1909 йили — 0,9 млн.дан ортиқроқ

1910 йили — 3 млн. пуд

1912 йили — 5,5 млн. пуд

1913 йили — 2,6 млн. пуд

1914 йили — 1,9 млн. пуд

1915 йили — 1,4 млн. пуд

1916 йили — 0,9 млн. пуд

Демак, 1908 йилдан 1917 йилгача «Ака-ука Нобеллар» 17,1 миллион Челекан қора олтинини «ўғирлаб» кетган экан. Айни пайтда Туркистон йилдан-йилга ёқилги ва нефт саноати-да халқаро молия капиталининг мустамлақасига айланиб бораётганди. «Ака-ука Нобеллар» ва 1904 йили ташкил этилган йирик «Шелл» ширкати нефт ва керосиннинг олиниши ва унинг сотилишини ўз назорати остига олди.

1913—1916 йиллари олтита нефт казиб оладиган ширкат бўлса, уларнинг иккитаси Русия монополистик ва банк капиталига қарашли эди. Кўп миқдорда нефт казиб олувчи «Чимён» жамияти «Ака-ука Нобеллар»нинг таъсир доирасига Тошиб қолади. «Санто»

жамиятини Ўрус Осиё банки пул билан таъминлаб турган бўлса, Мойлисой нефт кони инглиз капитали хисобига ишларди. «Чимён» ва «Санто» жамиятининг йиллик казиб олган нефти инкилоб арафасида Фаргона вилоятида казиб олинган нефтнинг 97 фоизини ташкил этарди.

Русиё монополистлари 1913—1915 йиллар оралигида Туркистонда кўмир, нефт казиб олиш учун 18 милён сўм сарфлади. Инкилоб арафасида Туркистон худудидан хар йили 13 милён пудга якин кўмир, 3 милён пуддан ортик нефт казиб олинарди. Мустабидлар кора олтинни казиб олишарди-ю, туб ахолининг дастурхонидан хабар ҳам олишмасди. Казилма эвазига келаётган олтинлар эса Алексеевлар, Бауэрлар, Нобеллар чўнтагини каппайтирарди, холос. Ўктабр инкилоби бу жараённи шаклан ўзгартирса-да, мохиятан янгиланишга йўл очиб беролмади.

Шониёз Дониёров